



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Бog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iybar

1424 -son

Бog‘ot shaharchasi

Фуқаро Саидов Яраш
Матқурбоновичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов Яраш
Матқурбоновичнинг “Саҳоват” маҳалласида жойлашган турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган
2021 йил 25 январдаги ШЯ-С-261-сонли аризасини, “Саҳоват” маҳалласи
фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва
кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг
2021 йил 25 январдаги 179-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон
Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг
22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг
6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган
“Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги
Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан
иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 54,88 квадрат метр, ёрдамчи
хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 83,9 квадрат метр, жами хоналарнинг ички
ўлчами 138,78 квадрат метр, қурилиш ости майдони 187,38 квадрат метр, умумий
ер майдони 1084,5 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро
Саидов Яраш Матқурбоновичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб
берилсин.

2. Фуқаро Саидов Яраш Матқурбоновичга ушбу турар жойи биносининг
ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан
қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва

иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга ошириганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Саидов Яраш Матқурбоновичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курыязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев